



“ИСЁН ВА ИТОАТ”ДА ПАНДЕМИЯ БАШОРАТИ

Имомбердиева Гулнора Мирзохоликовна
Ўзбекистон миллий университети Ўзбек
филологияси факультети магистранти
E-mail: gimomberdiyeva@gmail.com

Илмий раҳбар: ф.ф.д. **Маҳлиё Ӯмарова**

Анотация: Ушбу мақолада “исён ва итоат” романидаги касаллик мотиви кенг қамровда таҳлил қилинган. Асарда тумов, гринп ва турли хил жиоддий давоси топилмаган касалликлар, уларнинг келиб чиқши сабаблари, олдини олиш ва ҳимояланиши, даволаш юзасидан ўтказилган лабароторик кузатувлар, унинг оқибатлари, инсон тақдирининг аячли ҳолатлари касалликда ўз аксини топганлиги ёритиб берилган.

Мақолада касаллик мотиви асарни бутунлай ҳамоҳанг тарзда қамраб олганлигини исботини кўриши мумкин.

Таянч сўзлар: гуноҳ, исён, итоат, касаллик мотиви, инфекция, пандемия, психоаналитика, психосоматика.

Аннотация: В данной статье всесторонне анализируется мотив болезни в романе «Бунтарь и послушание». В работе отражены, гринп и другие тяжелые неизлечимые заболевания, их причины, профилактика и защита, лабораторные наблюдения по лечению, их последствия, печальные обстоятельства человеческой судьбы.

В статье можно увидеть свидетельства того, что мотив болезни вполне гармонично освещает произведение.

Ключевые слова: грех, бунт, послушание, мотив болезни, инфекция, пандемия, психоаналитика, психосоматика.

Annotation: In this article, the motif of illness in the novel "Rebellion and Obedience" is comprehensively analyzed. In the work influenza virus and other serious incurable diseases, their causes, prevention and protection, laboratory observations on treatment, their consequences, and the sad circumstances of human fate are reflected in the disease.

In the article, it is possible to see the evidence that the motive of the disease covers the work in a completely harmonious way.

Key words: sin, rebellion, obedience, disease motive, infection, pandemic, psychoanalytic, psychosomatics.

Кириш: “Исён ва итоат” нафақат асар бош қаҳрамони Акбарнинг ҳаёти, балки, башариятнинг курраи заминдаги умри давомидаги нолишлари, изтироблари, гуноҳлари, исёнлари ва уларнинг жазолари, Одам Атодан тарқалган авлод ҳаёти давом этаркан, жазо ҳам худди шундай давом этиши, одам





боласи гуноҳ-исён этишга мойиллиги ва у келадиган тўхтам, хулоса, унинг ҳаётининг моҳиятини белгилаб бериши ҳақида десак муболага бўлмайди.

Исён дунё ҳалқлари адабиётида антик даврга бориб тақалувчи мотив ҳисобланади. Шарқ дунёқарашида, хусусан мусулмон оламида исён-Одам Ато (Одам Алайхиссалом)нинг авлодига қолдирган меросидир. Буни асаннинг охирроғида ҳам тасдиғи келтириб ўтилади:

“...Худованд дийдорини қўмсаб эзиларди Одам... (Асрлар ўтиб Одамнинг авлодларидан базилари худди шундай аҳволга туш(а)дилар, бироқ уларнинг аксарияти Одамдан фарқ қилиб, гап нимадалигини тушана олмай ўзларини ўтга-чоқга ур(а)дилар).

Сургун-фироқдаги ҳаёт Одамни итоатга келтирди. Фаришталар бу ҳақда Оллоҳ таолога хабар беришиди ва улар ҳам Одамни мағфират этишини сўрашди.

-Яхши, - деди Худованди Карим жавобан, -Одамнинг гуноҳидан ўтаман. Бироқ, зурриётлари ҳам Одам босиб ўтган йўлни босиб ўтиши шарт. Шуни – тавба, англаш ва ҳис этиш йўлини ўтиб итоатга келганларгина авф этилгай...”*

Юқорида келтирилган парча нафақат бизнинг исён тарифига иқтибос, балки буни исён тарихига мусулмон оламидан келтирилган муаллифнинг исботи ўрнида кўриш мумкин. Бу парчада мусулмон кишисининг қандай бўлмоқлиги, қандай тажрибалардан ўтиб, ўзига дарс, хулоса олмоқлигига ишора кетяпти, ўз ўрнида.

Жаҳон адабиётида исённинг тарихини гуноҳ, унинг сабабчиси ва жазоловчисига боғланган ҳолда кўришимиз мумкин. Қадимги Шумер маданияти тарихидан бизгача маълум бўлгани, дунёни сув босгани ва унда Зиусудранинг қутилиб, омон қолганлигининг манбалари мавжуд. Шунга ўхшаган бошқа баён Бобил адабиётида ҳам бор. Унда тошқиндан Утнапиштим қутилиб чиқади. Яхудийлар матнида ҳам шу тўфон ҳақида сўз боради ва буларнинг ҳаммаси гуноҳ учун жазо деб тушунтирилади.

“Гуноҳ-бу одамнинг жавобгарлигидир. Бу Худо йўллаган синов бўлиб, инсон ўта олмаганидир. Гуноҳ Худонинг қаҳрини келтиради ва унга яраша жазо юборилади. Одам Ато ва Момо Хавонинг гуноҳи, Каин гуноҳи, Содом гуноҳи ва Гоморро аҳолиси гунохи, Бобил ҳалокати буларнинг ҳаммаси гуноҳ туфайлидир деб тушунтирилади” – дейди А.Каштанов ўзининг “Инсоннинг ўз-ўзи билан кураши” мақоласида.*





Даставвал исённи ким бошлади? Одам Атоми?!... Асадачи??

Асар Акбарнинг жазога тортилишидан бошланади. Бу бежизга эмас, мажозий маънода Одам боласининг гуноҳкор эканлиги бизга яхшигина маълум. Шунинг учун жазо билан бошланиши ёзувчи наздида ҳам табиий ҳол.

Одам Атонинг исёни (хиёнати)ни Худованд авф этди, аммо ниманинг эвазига? Унинг болалари бўлмиш Одамдан тарқалган авлод ҳам у чеккан жазони тортиб, синовдан ўтиши, тавба қилиб, итоатга келиши шарти билан. Хўш, бу йўлдан ўтиш нақадар мураккаб, жазочи – у қандай? Бу саволларга асарнинг деярли барча персонажлари ҳаётининг бадиий образларида жавобни қўришимиз мумкин.

АСОСИЙ КИСМ.

Табиб образи асарнинг бошидан охиригача қатнашувчи қаҳрамонлардан бири бўлиб, у гоҳ табиб, гоҳ устоз дейилади. Унинг шахс сифатидаги исми йўқ. Бу нимага ишора? Бу борада чуқурроқ мулоҳаза юритмоқ лозим, Табиб гоҳ инсон дардига малҳам бўлса, гоҳ унга Йўлбоши! Бизнинг наздимизда Табиб –Акбар–Искандар учбурчагини (триуголник) инсон умрининг Ўтмиш-Хозир-Келажак ёхуд Рух–Қалб–Ақл схемасида қиёслаб, таҳлил қилиш асарнинг туб моҳиятини очища амалий жиҳатдан аҳамиятлилик касб этади. Ўтмиш бизга ўз хатоларидан олган тажрибалари-ю хулосаларини тақдим этиб, огоҳликка чорлаб, бизни йўлимиздан адашмасликка, фоний дунёning найрангларига берилмасликка ундейди. Инсон чигал вазиятга тушганда мажозий маънодаги устоз – Ўтмишга қараб ўз вазиятига ечим, саволларига жавоб қидиради, аммо Табиб тили билан айтганда, босиб ўтилган “йўл”даги жавоб – Калит кейингисига, яъни бошқа бир инсоннинг ҳаётига мутлақо калит вазифасини бажара олмаслиги, мос тушмаслиги мумкин. Асада буни шундай акс эттиради муаллиф ўз тилидан: “... Китоб ўқирди, кўп ўқирди, бироқ уларнинг бирортасидан ҳаётининг, инсон умрининг моҳиятини очиб беришга қодир калитни топа олмасди ва бундан буён ҳам топажагига ишонмасди. Чунки аллақачон тушиниб қолган эдик, дунёда қанча одам бўлса, шунча тақдир, шунча пешона ёзиги мавжуд. Ҳеч қачон бирорвнинг қисмати иккинчиникига узукка кўз қўйғандек мос тушмайди; ёки буни бошқача размлаш керакдир; икки томчи сувдек бир бирига ўхшаган инсонни ҳам, умрни ҳам топиш маҳол. Бас, шундай экан, китобдан ҳаётим учун йўл-йўриқ оламан дейиш ғўрлик, болалик. Зоро, одамларнинг тақдири,





дунёқараши – дунёқаричи, худди уларнинг ўз бармоқ изларидек бир-бiriникидан фарқланиб туради. Шундай экан, барчага бирдек мақул келадиган, ҳаётлари мазмунини очиб берадиган ва энг муҳими, қўнгилларини умрбод хотиржам айлайдиган СЎЗни – ҚУТЛУФ КАЛОМни қайдан ҳам топсин?!...”. Юқоридаги парчада том маънода асар моҳияти, унинг бош ғояси мужассамдек. Ёзувчи “ҚУТЛУФ КАЛОМ”ни катта ҳарфлар билан берган, бу ҳам бежизга эмас, инсон излаган саволларнинг мукаммал жавоби – КАЛОМИ ҚУТЛУФ Қуръони Каримга ишора!

Касаллик мотиви асарга ҳамоҳангликда уйғунлашиб, уни бошдан охиригача қамраб олган. Ёзувчи асарда нафақат тана касалликларининг юқумли эканлигини, балки инсоният онги ва онгсизлик (онглангмаганлик) ҳолатидаги ҳатти-ҳаракатлар, ҳаёт тарзи ҳам айнан шундай бўлиши мумкинлигига нозик ишоралар қиласиди, ўқувчи асарни “жон томири”га тушиб мutoалаа этсагина пайқаши мумкин. Инфекция нафақат медицина соҳасига тегишли, унинг замирида одамзодга алокадорлик ётса у биологик тус олибгина қолмай, балки, мафкуравий-ижтимоий тарзда авж олишини ҳам кўриш мумкин. Муаллиф мазкур асарини ёзишдан аввал “Адабиёт–руҳий эҳтиёж” илмий мақолалар тўпламидан жой олган 1999-йилда ёзилган “Турланаётган сўз” мақоласида қўйидаги ташбеҳни қўллаган:

“Қолаверса, “ўқимаслик” касалининг вируслари бутун ер юзига аллақачон ёйилиб улгурган. Бизнинг орамизда ҳам уни “юқтирганлар” беҳисоб”.*

Табиб онасининг касаллиги (тумовдан ўлади) туфайли шифокор бўлишни мақсад қиласи ва теваракдагилар уни жарроҳлик соҳасини танласа керак деган тахмин қилган бир пайтда у аксини кўрсатиб, педиатрия йўналишини танлайди ва гриппга қарши илмий изланишлар олиб боришни олий мақсад қиласи. Ёзувчи Табиб тилидан гриппнинг давосини шундай бадиий чизиб берадики, грипп инфекциясининг давоси ҳаётнинг моҳият мазмунини англаш, тушуниш билан гўёки бир хил жараёндек таасурот қолдиради ўқувчиди. Ёзувчи гўзал метафора яратади:

“Бизнинг кўпчилигимиз йилда бир-икки марта гриппга чалинганимиз ва бунинг асоратида яна бошқа дардларга мойил бўлиб турганимиз ҳолда нега унга оддий ва майда бир касалликдек бепарво қараймиз?!” - деб ўртанарди. Бунга жавобан ўқитувчи профессорлар “грипп ҳар йили ёки вақти-вақти билан ўз





хусусиятини ўзгартириб туради. Шунинг учун бу йилги гриппга қарши ишлаб чиқилган эмламалар янаги мавсумда келадиган ва ўз табиатини ўзгартыриб улгурган гриппга таъсир қила олмайди. Бинобарин, бу касалликни битта дори билан даф қилиб бўлмайди”, -дейишарди”.

Юқоридаги парчадан кўриниб турибдики, грипп инфекциясининг хусусиятлари Ақбар излаётган саволлар ва унинг жавоблари (топилган тақдирда) билан уйғунашади.

Табибнинг онаси тумов туфайли вафот этгани етмагинидек, Табибнинг ўзи ҳам тез-тез бу дардга чалиниб туради. Охирги грипп бўлганида қаттиқ хасталаниб, 3 ҳафта тўшакка михлангач аниқ бир қарорга келади ва гриппнинг давосини топишини ўз вазифаси, мақсади этиб белгилайди. Ёзувчи грипп мотивини шундай ёритганки, мазкур касаллик инсониятни бугун ё кеча безовта қилган дард эмаслиги ва ҳали кўп йиллар давом этиши шубҳасизлиги, асар ёзиб нашр этилганидан (2003 йил) 15 йилдан зиёд вақт ўтиб, айнан грипп хусусиятларига ўхшашиб хоссаларни ўзида жамлаган ва “тождор” номини олган инфекция бутун дунёни, инсониятни ларзага солди ва дунё ахли унинг давосини излаб, камгина сарсон бўлмади, давоси топилгунга қадар неча юз минглаб тирик жон оламдан кўз юмди. Юқоридаги парчанинг давоми пандемия башорати борасидаги мушоҳадамизни далиллаб беради: “У эса ўйланар ва изланарди: “Нега энди? Ахир мана шу ўзгариб турувчи ва натижада бир биридан қайсиadir хусусиятига кўра фарқланадиган касалликнинг ҳам умумий муштарақ жиҳатлари бўлади. Шундай бир эмлама ихтиро қилинсинки, унда ўша муштарақ жиҳатларга таъсир этадиган қувват бўлсин ва у гриппнинг томирини кессин”- деб орзу қиласади”.

Табибнинг бу орзуси ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Гарчи пандемия яқун топиб “коронавирус” ўз эмламасини “топган” бўлса-да, ҳали-хамон, онда-сонда қулоғимзга “янги тури чиққанмиш”, “бу сафаргиси бедавомиш” деган миш-мишлар гарчи асоссиз гаплар бўлса-да, халқ орасида ҳалигача вахима уйғота олишини инкор этиш мушкул.

Табибнинг грипп инфекцияси юзасидан узоқ йиллик илмий изланишлари натижада бермагач, “гриппнинг давоси йўқ, уни фақат енгилроқ ўтказиш учунгина беморга ёрдам бериш мумкин”, деган деярли аксиома ҳолига келган қарашга ўзи ҳам ишона бошлади – дейилади асарда. Табиб умидини узмайди, барибир бир





йўли бўлиши керак деб, қолаверса антибиотик борган сари таъсир қилмай қўйгач, организм моҳияти – ДНКга мурожаат қиласи.

Ёзувчи пандемияга сабаб бўлувчи инфекцияни шу қадар чукур ёритиб берганки, бунда Ф.Достаевский, А.Камыолар ўз ишида бундай мотивларни ёритиш учун қатор ҳужжат-материалларни узоқ йиллар тўплаганлик йўлидан борганлиги ва захматли иш бўлса-да, ўз олдига қўйган мақсадига эриша олганлигини асардаги касалликлар ва тиббий кашфиётлар хронологияси парчалари ўз ифодасини бериб турибди: “1953 йилда Э.Уотсон ва Ф.Криклар ilk маротаба кашф этган ДНК малиқулалари тўғрисида хабар топгандаёқ Табиб ўзининг тиббий савқи табиийси билан медицинада ҳали мисли кўрилмаган инқилобий ютуқларга эришиш мумкинлигини қўп бор мулоҳаза қиласи, ҳамкаслари билан ўртоқлашганди”.

Асарда, грипп инфекциясини тумов деб халқона ном билан атасимиз ва унга беэтибор бўлишимиз оқибати ўлимга олиб келишини ёзувчи исботлаб берган, бугунги кунда бу нафақат асар ўқувчисига, барчамизга ПАНДЕМИЯ туфайли кундек равшан бўлди.

Асарда муаллиф грипп инфекциясидан ташқари, қатор касалликлар, жумладан, ҳали-ҳануз давоси топилмаган оққон, сил, рак каби жиддий касалликлар образи билан нақд “пандемия афсонаси”ни яратадики, барча касалликларнинг сабаби, бош омили рухиятдан эканлигига ва аксинча, касалликка қараб туриб, бемор рухиятини очиш мумкинлигига ишора беради: “Турсунбой жон талашнинг дарди унинг бутун ҳаётини кўзгуга солиб туради.Faқат унингми, Табиб ўз тажрибасидан биларди, одамнинг дарди унинг ҳаёти қандай ўтганлиги ёки ўтаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб беради. Faқат буни тинглай билиш лозим. Дарднинг ичига кириб, унинг сабабларини бирин-кетин аниқлаб борганинг сайин беморнинг ҳаёт йўли ҳам тасаввурда қайтадан қад ростлайди”.

Акбарнинг излаётган саволларига жавоб, худдики грипп муаммосининг ечими ДНКга қаратилганидек, асл моҳиятга, яъни ўзлигини топишга, “мен”и билан танишиб, уни нима истаётганини билишига боғлиқ эканлигини ёзувчи ҳаёлий паралелликка қўяди ёки буни ҳар бир китобхоннинг ўзлигидан келиб чиқиб, таъриф – холосасига хавола этади.





Инсонга дард нима учун берилади? Шарқона дунёқараашдан келиб чиқадиган бўлсак, бу ҳам синов деган хulosага келиш мумкин. Хўш, синов нима учун берилади? Нега байзан дард устма-уст келади? “Фам босганни бит босар” халқ нақлидан ҳам биламизки, руҳий босим ва тушкунлик инсонни алалоқибат тана хасталигига рўбарў этади. У.Ҳамдамнинг қатор насрый асарларида инсон ҳаёт йули, унинг олий вазифаси бош мавзу этиб белгиланган, “Исён ва Итоат”да ана шу йул ва вазифадан оғищ, чалғиши содир бўлса, белги-ишора корректорлик функциясини бажариб, хасталик синов куринишида Яратганинг иродасилигига нозик ишора-билдиргилар мавжуд ва бунга адаб яратган персонажларнинг деярли ҳар биридан мисол келтириш мумкин.

Психоаналитика, Психосаматика соҳаларида инсон аъзоларидаги касаллик бевосита унинг руҳияти билан боғлиқлиги, ҳар бир тана аъзолари муайян бир ижтимоий жабхага жавобгар ҳисобланиши исботланган ва бугунги кунда кенг истеммолда. З. Фрейд, К.Г. Юнг таълимотлари билан таниш ўқувчига бундай йўсингидаги таҳлил янгилик кашф этмаслиги ҳам табиий. Ёзувчининг маҳорати шундаки дард ичига дард яширган, агар биз ишимизга чуқурроқ ёндашиб, психосаматик жиҳатдан грипп, оққон, рак касалликларини ижтимоий ҳаётнинг қайси жабхалари билан боғлиқлигини ўрганиб чиқсак, тананинг қайси аъзосида жойлашганлигини таҳлил қилсак, биз асардаги бази образларнинг яширган қиёфаси билан яқиндан танишишга мушарраф бўламиз.

Асардаги образлар турлича, ҳаёт йўллари ҳам бетакрор. Ҳар бир ҳаёт йўлида муайян бир фалсафани, эстетик парадигмани кўриш мумкин (ёхуд натижасини).

Мухтасар қилиб айтганда, асарни мутоалаа этгач, демакки грипп инфекциясига ҳали-бери даво йўқ, фақатгина муқобил вариант бор экан, демак инсон олдида турган “мен кимман?”, “ҳаётим маъно-моҳияти нимада?”, “яшашдан мақсадим нима?” деган саволларнинг ҳам айнан бир андозага тушгучи жавоби йўқ, ҳар бир жавоб берувчининг ўзига хос вариантигина мавжуд бўлиб қолаверади деган хulosага келиш мумкин.

Биз бу ишимизда асарнинг тўлиқ таҳлилини эмас, унинг касаллик мотиви билан боғлиқ қисмигагина хulosaga беришни жоиз деб топдик.





O'ZBEKISTON JURNALISTIKA VA
OMMAVIY KOMMUNIKATSİYALAR
UNİVERSİTESİ



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Улуғбек Ҳамдам."Исён ва Итоат".Т."Янги аср авлоди", 2003йил.
2. А.Каштанов."Инсоннинг уз узи билан кураши". "Дружба народов" 2010-йил, 10-сон.
3. М.Холбеков."XX аср модерн адабиёти манзаралари". Т."Мумтоз суз" 2014-йил
4. Н.Маматкулова. "Модерн шеърият ва абсурд фалсафаси". Ж.А.Ж. 2005йил, 12-сон.
5. У.Ҳамдам."Янгиланиш эҳтиёжи" илмий түплами."Турланаётган сўз".Т."Фан"2007-йил



O'ZBEKISTON JURNALISTIKA VA
OMMAVIY KOMMUNIKATSİYALAR
UNİVERSİTESİ